

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2025 йил ноябрь ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида судья О.Сиддиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Мадаминовнинг котиблигида, Боғдод туман прокурори ёрдамчиси А.Мансуровнинг қатнашувида, судланувчи Э.Турсунов, Ш.Тошматов ва уларнинг ҳимоячиси “FELIX-BON” адвокатлик бюроси адвокати Б.Мўминов, судланувчилар Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов, жабрланувчилар А.Набиев, Б.Қурбанов, О.Махсудова, М.Ўринова, Э.Ташпўлатова, Н.Астанақулов, С.Хашимова, М.Умарова, С.Рахимов, М.Хожиматова, Б.Хожиматов, М.Масалиева, Д.Хурсанов, А.Юсупов, Р.Вахобов, Б.Мамазиятов ва Т.Юнусовларнинг иштирокида, Мирзахмедов Шухратжон Хамидуллаевич, Ахмедов Муроджон Аҳмаджон ўғли, Тошматов Шохрух Анваржон ўғли ҳамда Турсунов Элдоржон Сайфудинхўжаевичларга оид 1-1507-2501/241-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Мирзахмедов Шухратжон Хамидуллаевич (Mirzaxmedov Shuxratjon Xamidullaevich), 1990 йил 28 февраль куни Қўқон шаҳарида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, илгари “Фарғона сув таъминоти” АЖ Боғдод туман филиалида инспектор вазифасида ишлаган, ҳозирда вақтинча ишламайди, муқаддам судланмаган, Қўқон шаҳар, Таробий кўчаси 7-уйда яшайди, иш бўйича 2025 йил 21 июнь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллангани, 2025 йил 25 июнь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси “гаров” эҳтиёт чорасига алмаштирилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 27 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан айбланган.

Ахмедов Муроджон Аҳмаджон ўғли (Ahmedov Murodjon Ahmadjon o'g'li), 1994 йил 26 декабрь куни Қўқон шаҳарида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, илгари “Фарғона сув таъминоти” АЖ Боғдод туман филиалида инспектор вазифасида ишлаган, ҳозирда вақтинча ишламайди, муқаддам судланмаган, Қўқон шаҳар, Туркистон кўчаси, 41-уйда яшайди, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 27 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан айбланган.



Турсунов Элдоржон Сайфудинхўжаевич (Tursunov Eldorjon Sayfudinxo'jaevich), 1988 йил 15 август куни Риштон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, илгари “Фарғона сув таъминоти” АЖ Боғдод туман филиалида инспектор вазифасида ишлаган, ҳозирда вақтинча ишламайди, муқаддам;

1). Жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2020 йил 04 май кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилган,
2). Жиноят ишлари бўйича Риштон тумани судининг 2021 йил 23 февраль кундаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, жазони тўлиқ ўтаган, Риштон тумани, Уйрат МФЙ, Уйрат кўчаси 91-уйда яшайди, иш бўйича 2025 йил 21 июнь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллангани, 2025 йил 25 июнь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси “гаров” эҳтиёт чорасига алмаштирилган, айблов ҳулосаси нухасини 2025 йил 27 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари ҳамда 228-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Тошматов Шохруҳ Анваржон ўғли (Toshmatov Shohruh Anvarjon o'g'li), 1992 йил 21 ноябрь куни Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, “Сув таъминоти” АЖ Боғдод тумани филиали абонентлар бўлими инспектори, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 18 ноябрь кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилган, Қўқон шаҳар, Чорчинор кўчаси, 133-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нухасини 2025 йил 27 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан айбланган.



Суд судланувчилар ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ш.Мирзахмедов “Фарғона сув таъминоти” АЖ Боғдод туман филиалида инспектор вазифасида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2024 йил август ойи бошларида ўзганинг мол-мулкани ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Қўқон шаҳар, Мингтут кўчасида жойлашган А.Набиевнинг қурилиши тамомланмаган корхонасига келиб, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганлигини важ қилиб, сув ҳисоблагич ўрнатиб беришини ва жарима қўлламаслигини айтиб, А.Набиевни ишончига кириб, ундан жами 5.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини қўлга киритиб, сув ҳисоблагич ўрнатиб бермасдан фирибгарлик қилган.

Бундан ташқари, судланувчи Ш.Мирзахмедов ўзининг жинойт ҳаракатларини давом эттириб, такроран М.Ахмедов билан олдиндан жинойт тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда ўзганинг мол-мулкани ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2025 йилнинг март ойи бошларида Қўқон шаҳар, А.Т.Хўқандий кўчаси 63^а-уй, 19-хонадонда яшовчи М.Ўриновани яшаш хонадонига келиб, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганлигини важ қилиб, жарима қўлламаслигини айтиб, М.Ўринованинг ишончига кириб, 2.580.666 сўмга тенг (200 АҚШ доллари) миқдоридаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, судланувчи Ш.Мирзахмедов ўзининг жинойт ҳаракатларини давом эттириб, такроран М.Ахмедов билан олдиндан жинойт тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда, хизмат мавқеидан фойдаланишиб, 2025 йил 29 март куни Боғдод тумани, Чўринди МФЙ, Ипак йўли кўчаси, 5-уйда яшовчи Н.Астанакуловни яшаш хонадонига келиб, ичимлик сувидан ноқонуний уланиб олганлигини важ қилиб, ушбу ҳолат бўйича жарима тўлашини айтиб, унинг жами 3.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган.

Бундан ташқари, судланувчи Ш.Мирзахмедов ўзининг жинойт ҳаракатларини давом эттириб, Э.Турсунов билан олдиндан жинойт тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда такроран ўзганинг мол-мулкани ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, Қўқон шаҳар, Имомбухорий кўчаси 32^а-уйда яшовчи С.Хашимованинг яшаш хонадонига келиб, ичимлик сувига ноқонуний уланиб олганлигини важ қилиб, янги сув ҳисоблагич олиб келиб беришини ва жарима қўлламаслигини айтиб, С.Хашимовани ишончига кириб, ундан жами 3.950.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини қўлга киритиб, сув ҳисоблагич олиб келиб



бермасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишиб фирибгарлик қилган.

Шунингдек, судланувчи Ш.Мирзахмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, М.Ахмедов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда такроран ўзганинг мол-мулкани ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2025 йил 29 май куни М.Умарованинг “Водий Экспо” корхонасига келиб, корхонанинг сув ҳисоблагичини кўриб, ичимлик сувига ноқонуний уланиб олганлигини, ичимлик суви ҳисоблагичи носоз эканлигини ва ж килиб, янги сув ҳисоблагич олиб келиб беришини ва жарима қўлламаслигини айтиб, М.Умаровани ишончига кириб, ундан жами 3.950.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини қўлга киритиб, сув ҳисоблагич олиб келиб бермасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишган.

Шунингдек, судланувчи Ш.Мирзахмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда ўзганинг мол-мулкани ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2025 йил 30 май куни Қўқон шаҳар С.Абдулла МФЙ, Бодомзор кўчаси 34-уйда яшовчи М.Хожиматованинг яшаш хонадонига ва унинг турмуш ўртоғи Б.Хожиматовга тегишли бўлган сомсахонасига келишиб, сув ҳисоблагичларини кўришиб, ичимлик сувига ноқонуний уланиб олганлигини, ичимлик суви ҳисоблагич ўрнатмасдан фойдаланиб келаётганлигини ва ж килиб, янги сув ҳисоблагич олиб келиб беришини, жарима қўлламасликларини айтиб, М.Хожиматова ва унинг турмуш ўртоғи Б.Хожиматовларни ишончига кириб, уларни ҳар биридан 2.750.000 сўмдан жами 5.500.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини қўлга киритиб, сув ҳисоблагич олиб ўрнатиб бермасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишиб, фирибгарлик қилишган.

Бундан ташқари, судланувчи Ш.Мирзахмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, судланувчилар М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда такроран ўзганинг мол-мулкани ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2025 йил 03 июнь куни Қўқон шаҳар С.Абдулла МФЙ, Бодомзор кўчаси 50-уйда яшовчи М.Масалиеванинг яшаш хонадонига келиб, сув ҳисоблагичларини кўриб, ичимлик сувига ноқонуний уланиб олганлигини, ичимлик сувидан ҳисоблагич ўрнатмасдан фойдаланиб келаётганлигини ва ж килиб, янги сув ҳисоблагич олиб келиб беришини ва жарима қўлламасликларини айтиб, М.Масалиеванинг ишончига кириб, улардан жами 5.220.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини қўлга киритиб, сув ҳисоблагич олиб ўрнатиб бермасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишиб, фирибгарлик қилишган.

Шунингдек, судланувчи Ш.Мирзахмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, судланувчи М.Ахмедов билан олдиндан



жиной тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда такроран ўзганинг мол-мулкини ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2025 йил 06 июнь куни Боғдод тумани, Муқумий МФЙ, Бирдамлик кўчаси 21-уйда яшовчи Д.Хурсановнинг яшаш хонадонига келиб, сув ҳисоблагичларини кўришиб, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганлигини важ қилиб, ушбу ҳолат бўйича жарима қўлламасликларини айтиб, Д.Хурсановнинг ишончига кириб, ундан жами 3.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, судланувчи Ш.Мирзахмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, судланувчи М.Ахмедов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда такроран ўзганинг мол-мулкини ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2025 йил 06 июнь куни Боғдод тумани Муқумий МФЙ, Бирдамлик кўчаси 23-уйда яшовчи А.Юсуповнинг яшаш хонадонига келиб, сув ҳисоблагичларини кўришиб, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганлигини важ қилиб, ушбу ҳолат бўйича жарима қўлламасликларини айтиб, А.Юсуповнинг ишончига кириб, улардан жами 3.200.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишиб, фирибгарлик қилишган.

Шунингдек, судланувчи Ш.Мирзахмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, судланувчи Э.Турсунов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда такроран ўзганинг мол-мулкини ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2025 йил 09 июнь куни Боғдод тумани, Ўзбекистон МФЙ, ҳудудида жойлашган Р.Вахобовга тегишли бўлган умумий овқатланиш шохобчасига келиб, ошхона сув ҳисоблагичини кўришиб, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганлигини янги электрон сув ҳисоблагич ўрнатиши кераклигини важ қилиб, янги электрон сув ҳисоблагич олиб келиб ўрнатиб беришини ва жарима қўлламасликларини айтиб, А.Юсуповнинг ишончига кириб, улардан жами 6.400.000 сўм пул маблағларини қўлга киритиб, сув ҳисоблагич олиб келиб бермасдан пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, Ш.Мирзахмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, судланувчи Э.Турсунов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда такроран ўзганинг мол-мулкини ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2025 йилнинг июнь ойи ўрталарида Боғдод тумани, Ирғоли МФЙ ҳудудида жойлашган Б.Мамазиятовга тегишли бўлган умумий овқатланиш шохобчасига келиб, сув ҳисоблагичларини кўришиб, ичимлик суви учун олдиндан 5.000.000 сўм миқдорда пул тўлов қилишини айтиб, Б.Мамазиятовнинг ишончига кириб, улардан жами 5.000.000 сўм пул маблағларини қўлга киритишиб, ушбу пул маблағларини Б.Мамазиятовнинг



абонент рақамига кирим қилмасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишган.

Шунингдек, Ш.Мирзахмедов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, судланувчи Э.Турсунов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда такроран ўзганинг мол-мулкани ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида Боғдод тумани марказидаги Т.Юнусовга тегишли бўлган "Асл Неъмат Барака" оилавий корхонасига тегишли бўлган ошхонага келишиб, сувга ноқонуний улаб олганлигини ва сув ҳисоблагичдаги пломба бузилганлиги важи билан катта миқдорда жарима қўлланишлигини айтиб, ушбу ноқонуний ҳолатларни бартараф этиш учун 29.500.000 млн. сўм миқдоридаги пул маблағларни беришни талаб қилиб, 2025 йил 19 июнь куни 8.000.000 сўм олиб, қолган пул маблағларини беришни талаб қилиб, 2.500.000 сўм пул маблағларини олган вақтида ДХХ Фарғона вилояти бошқармаси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Боғдод тумани бўлими ҳамда Боғдод тумани ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ашъвий далил билан ушланган.

Бундан ташқари, судланувчи Э.Турсунов "Фарғона сув таъминоти" АЖга тегишли бўлган махсус рақамланган ичимлик суви ва оқава тармоқларга ўзбошимчалик билан уланган, ноқонуний ёки нотўғри фойдаланиб келаётган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан тузиладиган далолатномаларни келгусида фойдаланиш мақсадида нусха кўчириш орқали сохталаштирилганлиги ҳамда ушбу сохта далолатномаларни ўзига тегишли "Onix" русумли 40Q 275 РВ давлат белгили автомашинада сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ундан жами 11 та сохта далолатномалар ашъвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи Ш.Мирзаахмедов судда, ҳақиқатан ҳам айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатан ҳам "Фарғона Сув таъминоти" АЖ Бағдод туман бўлими юридик инспектор лавозимида ишлаб келгани, хизмат вазифаларига бириктирилган ҳудуддаги юридик шахсларнинг сувдан оқилона фойдаланилишини ўрганиш, ичимлик суви бўйича қарздорликларни ҳисоб-китоб қилиб, ундириш ва бошқа вазифалар кириши, 2024 йил август ойи бошларида Қўқон шаҳар, Мингтут кўчасида жойлашган А.Набиевнинг қурилиши тамомланмаган корхонасига келиб, ичимлик суви қувурларини кўриб, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганлигини айтиб, унга сув ҳисоблагични олиб келиб ўрнатиб беришини, жарима қўлламаслигини айтгани, А.Набиевдан жами 5.000.000 сўм пулларни олгани, ушбу пулларни шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборгани, бироқ унга сув ҳисоблагич олиб келиб ўрнатиб бермагани, 2025 йил март ойи бошларида шериги М.Ахмедов билан Қўқон шаҳар, А.Т.Хўқандий кўчаси 66-уй 19-хонадонда яшовчи М.Ўриновани хонадонига келишиб ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётгани айтишиб унга ҳам жарима қўлламасликни айтишиб 200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олгани, ушбу пулларни ишхона ҳисобига кирим қилмасдан шериклари билан тенг тақсимлаб бўлишиб олгани, шу тариқа 2025 йил 29 март куни Боғдод тумани, Чўринди МФЙ, Ипак йўли



5-уйда яшовчи Н.Астанақулов 3.000.000 сўм пулларини, 2025 йилнинг 29 апрель куни шериги Э.Турсунов билан Қўқон шаҳар, Имомбухорий кўчаси 32^а-уйда яшовчи С.Хашимованинг яшаш хонадонига келиб, уни ҳам сувдан ноқонуний фойдаланаётганини айтиб 3.950.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини Э.Турсунов билан олгани, 2025 йил 29 май куни шериги М.Ахмедов билан бирга Қўқон шаҳар, Ғанжиравон кўчасида жойлашган М.Умаровага қарашли “Водий Экспо” номли пайпоқ ишлаб чиқариш корхонасига боришиб, корхонани ичимлик суви ҳисоблагичини кўриб, ичимлик суви ҳисоблагичи носоз экани айтиб 3.000.000 сўм, 30 май куни шериклари М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар билан бирга Қўқон шаҳар С.Абдулла МФЙ, Бодомзор кўчасида яшовчи М.Хожиматовани яшаш хонадонига киришиб ичимлик суви ҳисоблагичи носоз эканини, янги сув ҳисоблагич ўрнатиб беришини айтиб, М.Хожиматовадан 2.750.000 сўм, Б.Хожиматовдан 2.750.000 сўм пулларини олингани, пулларни ўртада тенг тақсимлашиб, шахсий эҳтиёжларига ишлатишгани, ушбу жиноятни Ш.Тошматов ва М.Ахмедовлар билан бирга келишиб, режа асосида амалга оширишгани, 2025 йил 03 июнь куни танишлари М.Ахмедов ва Ш.Тошматов билан Қўқон шаҳар С.Абдулла МФЙ, Бодомзор кўчасида 50-уйда яшовчи М.Масалиевани яшаш хонадонига кириб, хонадондаги сув ҳисоблагичи соз бўлса-да, ичимлик суви ҳисоблагичи носоз экани, ичимлик сувидан сув ҳисоблагичсиз ноқонуний фойдаланиб келаётганини айтиб кўрқитишгани, янги сув ҳисоблагич ўрнатиб беришларини айтиб, М.Масалиевага 5.220.000 сўм пулларини олишиб ўрталарида тенг тақсимлашгани, 2025 йил 06 июнь куни Боғдод тумани, Муқумий МФЙ, Бирдамлик кўчаси, 23-уйда яшовчи А.Юсуповнинг яшаш хонадонига шериги М.Ахмедов билан келиб, сув ҳисоблагичи носоз экани, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганини айтиб, далолатнома расмийлаштирмаслик эвазига А.Юсуповдан 3.200.000 сўм миқдорида пулларни олишгани, шунингдек ушбу кўчада яшовчи Д.Хурсановдан ҳам шу тариқа 3.200.000 сўм миқдорда пул маблағи олишгани, 2025 йил 09 июнь куни шериги Э.Турсунов билан Боғдод тумани, Ўзбекистон МФЙ ҳудудида жойлашган Р.Вахобовга тегишли бўлган “Шодёна Бағдод” номли умумий овқатланиш шохобчасига келиб, корхонанинг сув ҳисоблагичини кўриб, сув ҳисоблагич эскирганини, ишламаётганини важ қилиб, янги электрон сув ҳисоблагич олиб келиб беришини ва бу ҳолат бўйича жарима қўлламасликларини айтиб, жами 6.400.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини олишгани, пулларни бир қисмини тенг тақсимлаб, шахсий эҳтиёжларига ишлатишгани, 2025 йилнинг июнь ойи ўрталарида шериги Э.Турсунов билан Боғдод тумани Ирғоли МФЙ, ҳудудида жойлашган Э.Мамазиятовга тегишли бўлган умумий овқатланиш шохобчасига келиб, ичимлик суви учун олдиндан 5.000.000 сўм миқдорда пул тўлов қилишини, пулларни унинг абонент рақамига кирим қилишини айтиб алдаб, жами 5.000.000 сўм пулларни олишгани, 2025 йил 19 июнь куни шериги Э.Турсунов билан Боғдод тумани марказида жойлашган "Асл Неъмат Барака" оилавий корхонасига қарашли умумий овқатланиш шохобчасига бори, ошхона эгаси



Т.Юнусовдан унинг сув ҳисоблагичининг ҳужжатларини бизга тақдим қилишини сўраганида, Т.Юнусов ҳужжатларнинг ўрнига сувни назорат қилувчи “Фактура” ҳужжатини тақдим қилгани, сўнг Т.Юнусовдан меъёрий ҳужжатларни тақдим қилишини сўраганида бошқа ҳужжатлар йўқлигини айтгани, сўнг шериги Э.Турсунов Т.Юнусовга катта миқдорда жарима чиқишини айтгани, шунда Т.Юнусов уларга унинг оилавий шароити яхши эмаслигини, унга ёрдам қилишини сўраганида, Т.Юнусовга ўзининг ҳисоб рақамига тўлов қилиб берса жарима қилмаслигини, жаримаси 59.000.000 сўм бўлишини айтгани, Т.Юнусов унча пули йўқлигини, ёрдам қилишни илтимос қилгани, шунда Т.Юнусовга бир ойлик тўлови 14.999.000 сўм миқдорда бўлишини, икки ойлигига 29.500.000 сўм тўлиқ қилиб беришлигини айтгани, шундан сўнг Т.Юнусов уларга ёнида 8.000.000 сўм пул борлигини, қолганини эртаси куни беришини айтиб, Э.Турсуновга 8.000.000 сўм пулларни бергани, сўнг Т.Юнусовдан пулларни олиб, автомашинасига солиб, яшаш хонадонига кетгани, мазкур пулларни қарзи эвазига ишлатиб юборгани, Т.Юнусов қолган пулни 2025 йил 20 июнь куни яна пул бериши керак бўлгани, шериги Э.Турсунов Т.Юнусовга қўнғироқ қилиб 3.000.000 сўм миқдорда пул олиб келишини айтгани, сўнг Т.Юнусов Э.Юнусовга қўнғироқ қилиб 2.500.000 сўм миқдорда пули борлигини, ўша пулларини олиб келиб беришини айтганида у рози бўлгани, шу куни соат 18:00 ларда Т.Юнусов Э.Турсуновга Боғдод тумани сув таъминоти бўлими олдига 2.500.000 сўм пулларни олиб келгани, Э.Турсунов пулларни олган прокуратураси ва ИИБ ходимлари томонидан ушлангани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини билдириб, қонуний енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи М.Ахмедов судда, айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 19 апрель кунидан буён "Фарғона сув таъминоти" АЖ Қўқон шаҳар бўлими аҳоли билан ишлаш назоратчиси вазифасида ишлаб келгани, 2025 йил март ойи бошларида “Сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлими барча ходимлари аҳолини ичимлик сувидан қонуний фойдаланаётганлигини ўрганиш мақсадида Қўқон шаҳар, Маътонат кўчасида яшовчи фуқароларни ичимлик сувидан қарздорлигини кўриш учун боргани, Қўқон шаҳар, Маътонат кўчаси 37-уйда яшовчи О.Махсудовани яшаш хонадонига кирганида ўзини квартираси учун сув ҳисоблагич ўрнатиш кераклигини айтгани, унинг яшаш хонадонига сув ҳисоблагичларни бир ой ичида ўрнатиб беришини айтиб, ундан 1.000.000 сўм пул олгани, ушбу пулга сув ҳисоблагич олмасдан шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборгани, 2025 йил март ойи бошларида шериги Ш.Мирзахмедов билан Қўқон шаҳар, А.Т.Хўқандий кўчаси 66-уй 19-хонадонда яшовчи М.Ўриновани яшаш хонадонига боришиб ичимлик сувига ноқонуний уланиб истеъмол қилиб келаётгани, ушбу ҳолат бўйича жарима тўлашини айтиб, 200 АҚШ доллари пулларни Ш.Мирзаахмедов олгани, пулларни ишхона ҳисобига кириб қилмасдан пулни тенг ярмини бўлишиб олгани, 2025 йил 29 март куни Боғдод тумани, Чўринди МФЙ, Ипак йўли 5-уйда яшовчи Н.Астанақуловни яшаш



хонадонига шериги Ш.Мирзаахмедов билан бориб, Н.Астанакуловни ичимлик суви ҳисоблагични кўриб, ичимлик сувига ноқонуний уланиб олганини, жарима тўлашини айтиб, ундан жами 3.000.000 сўм пулларни олишгани, 2025 йил 29 май куни шериги Ш.Мирзаахмедов билан Қўқон шаҳар Ғанжиравон кўчасида жойлашган М.Умаровага қарашли “Водий Экспо” номли пайпоқ ишлаб чиқариш корхонасига боришиб унга ҳам ичимлик суви ҳисоблагичи носоз эканини, агар сув ҳисоблагични алмаштирмаса далолатнома расмийлаштиришини, катта миқдорда жарима чиқишини айтиб, 3.000.000 сўм пул олишгани, пулларни Ш.Мирзаахмедов олиб яримини бергани, 30 май куни шериклари Ш.Мирзаахмедов ва Ш.Тошматовлар билан бирга Қўқон шаҳар, С.Абдулла МФЙ, Бодомзор кўчасида яшовчи М.Хожиматовани яшаш хонадонига кириб сомсахонани ичимлик суви ҳисоблагичи носоз экани, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганини, янги сув ҳисоблагич ўрнатиб беришларини айтиб, М.Хожиматовадан 2.750.000 сўм, Б.Хожиматовадан 2.750.000 сўм пул олингани, ушбу пулларни Шухрат ака олиб ўрталарида тенг тақсимлаб бергани, 03 июнь куни Ш.Мирзаахмедов ҳамда Ш.Тошматовлар билан бирга Қўқон шаҳар С.Абдулла МФЙ, Бодомзор кўчасида 50-уйда яшовчи М.Масалиевани яшаш хонадонига кириб, ичимлик суви ҳисоблагичи носоз эканини, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганини айтиб, ундан 5.220.000 сўм пулларни олиб, ўрталарида тақсимлашгани, 2025 йил 06 июнь куни Боғдод тумани, Муқумий МФЙ, Бирдамлик кўчаси, 23-уйда яшовчи А.Юсуповнинг яшаш хонадонига Ш.Мирзаахмедов билан келиб, сув ҳисоблагичини кўргани, сув ҳисоблагич соз ҳолатда бўлгани, лекин сув ҳисоблагичи носоз эканини, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганини важ қилиб, катта миқдорда жарима қўллашини айтиб, кўрқитгани, шунда уларга жарима қўлламаслик ва далолатнома расмийлаштирмасликни ваъда бериб, уни ишончига киргани ва А.Юсуповдан 3.200.000 сўм пулларни олишгани, шунингдек ушбу қўшниси Д.Хурсанов ҳам шу тариқа 3.200.000 сўм миқдорда пул олишгани, пулларни шахсий эҳтиёжларига ишлатишгани, ҳозирда у қилган ишига тўлиқ иқрорлигини ва пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини айтиб, қонуний енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Э.Турсунов судда, айбга тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам “Фарғона вилояти Сувтаъминоти” АЖ Боғдод тумани филиалида юридик инспектори лавозимида ишлагани, 2025 йил март ойи бошларида Қўқон шаҳар, А.Т.Хўқандий кўчасида яшовчи Э.Ташпулатованинг яшаш хонадонига бориб сув ҳисоблагич носоз эканини айтиб, жарима қўлламаслик эвазига 700.000 сўм пул олиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборгани, 2025 йил март ойи бошида Қўқон шаҳар, Қўшбеги кўчаси 32-уйда яшовчи Б.Қурбановнинг яшаш хонадонига бориб сув ҳисоблагичини носозлигини айтиб, янги сув ҳисоблагич олиб келиб беришини айтиб, Б.Қурбановдан жами 500.000 сўм пулларни олгани, сув ҳисоблагич олиб келиб бермасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборгани,



2025 йил 29 апрель куни шериги Ш.Мирзахмедов билан Қўқон шаҳар, Имомбухорий кўчаси 32^а-уйда яшовчи С.Хашимованинг яшаш хонадонига келиб, сув ҳисоблагичини кўриб, сув ҳисоблагичи бўлмаганлиги сабабли, ичимлик сувига ноқонуний уланиб олганини айтиб, янги сув ҳисоблагич олиб келиб, ўрнатиб беришини, жарима қўлламаслигини айтиб, С.Хашимовадан жами 3.950.000 сўм пул олгани, олинган пулларни Шуҳрат билан тенг тақсимлаб олишгани, 2025 йилнинг май ойи охирларида Қўқон шаҳар, Мовроуннарх кўчаси, 66-уйда яшовчи С.Рахимовни яшаш хонадонига боргани ва уй эгаси С.Рахимовга ичимлик сувидан 1.350.000 сўм қарзи борлигини, ушбу пулларни берса ўзи тўловни амалга ошириб қўйишини айтиб алдаб, 1.350.000 сўм пулларни олгани, 2025 йил 09 июнь куни шериги Ш.Мирзахмедов билан Боғдод тумани, Ўзбекистон МФЙ ҳудудида жойлашган Р.Вахобовга тегишли бўлган “Шодёна Бағдод” номли умумий овқатланиш шохобчасига келиб, сув ҳисоблагич эскиргани, ишламаётганини важ қилиб, янги электрон сув ҳисоблагич олиб келиб беришини ва бу ҳолат бўйича жарима қўлламаслигини айтиб, жами 6.400.000 сўм пул олгани, 2025 йилнинг июнь ойи ўрталарида шериги Ш.Мирзахмедов билан бирга Боғдод тумани, Ирғоли МФЙ ҳудудида жойлашган Б.Мамазиятовга тегишли бўлган умумий овқатланиш шохобчасига келиб, ичимлик суви учун олдиндан 5.000.000 сўм тўлов қилишини, пулларни унинг абонент рақамига кирим қилишини айтиб алдаб, 5.000.000 сўм пулларни олиб, пулларни абонент рақамига кирим қилмасдан, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, 2025 йил 19 июнь куни Ш.Мирзахмедов билан истеъмолчиларнинг сувдан фойдаланиш ҳолатларини қонунийлигини текшириб юрган вақтида, Боғдод туман марказида жойлашган “Асл Неъмат Барака” оилавий корхонаси раҳбари Т.Юнусов иштирокида умумий овқатланиш ошхонасининг сувдан фойдаланиш истеъмолини қонунийлигини ўрганганида сув ҳисоблагичдан ташқари ҳолатда сув истеъмолидан фойдаланиб келаётганлиги ҳамда сув ҳисоблагичнинг фойдаланиш муддати ўтиб кетганини аниқлашгани, шунда Ш.Мирзахмедов билан сув истеъмолидан фойдаланиб келаётганлиги ҳақида сув ҳисоблагичнинг фойдаланиш муддати 2 йил ўтиб кетганлиги учун 90.000.000 сўм миқдорда жаримага тортилишини айтишгани, шунда Т.Юнусов сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолати бўйича аниқлаш ҳолат бўйича далолатнома тузмаслигини илтимос қилгани, у Т.Юнусовга “Фарғона вилояти Сувтаъминоти” АЖ томонидан фуқаролар фойдаланиши учун белгилаб қўйилган сув таърифларни бирма-бир тушунтириб сув истеъмоли учун белгилаб қўйилган энг кичик сув трубасининг 15 диаметрлиги бўйича фуқаро томонидан ишлатилган сув истеъмолини 1 ойлигини ҳисоб-китоб қилганида 10.240.000 сўмлик сувдан ноқонуний фойдалангани маълум бўлгани, сўнг, Т.Юнусовга етказилган 10.240.000 сўм бўлган пулларини берадиган бўлса, фуқародан олинган пулларни унинг ҳисоб рақамига ўтказиб беришини, фуқаро давлат хизматларига бориб корхонага янги сув ҳисоблагич ўрнатиш бўйича ариза бериб, янги электр ҳисоблагич ўрнатадиган бўлса, ушбу берилган пул маблағларини янги ўрнатилган электр ҳисоблагичнинг янги



ҳисоб рақамида кўринишини айтгани, Т.Юнусов унга 8 млн сўм пул бериб қолган пулларни эртага беришини айтгани, сўнг Т.Юнусовдан 8 млн сўм олиб шериги Ш.Мирзахмедов билан кетишгани, 8.000.000 сўм пуллар шериги Ш.Мирзахмедовда қолгани, 2025 йил 20 июнь куни Т.Юнусов билан телефон орқали 2-3 маротаба суҳбатлашиб, унга сувдан бўлган қарздорлигини қолган қисмини олиб келишини, пулларни олиб келмаса, бўлмаслигини айтгани, сўнг орадан 30-35 дақиқа ўтиб Т.Юнусов қўнғироқ қилиб, қарздорликдан бўлган 2.500.000 сўм пулларни топгани, пулни қаерга олиб боришни сўрагани, унга Боғдод туман сув таъминоти корхонаси биносига олиб келишини айтгани, сўнг Т.Юнусов қўнғироқ қилиб етиб келганини айтгани у билан кўришиб, 2.500.000 сўм пулларни бергани, пулни олиб ўнг чўнтагимга солиб, эртага чекини олишини айтиб ишхонаси томонга кетгани, йўлда олдида бир нечта фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, ўзларини шахсий гувоҳномаларини кўрсатишиб, Департаментнинг Боғдод туман бўлими ва ИИБ ходимлари эканликларини айтишиб, тезкор тадбир ўтказилганини маълум қилишгани, тадбир давомида "Фарғона сув таъминоти" АЖга тегишли бўлган махсус рақамланган ичимлик суви ва оқава тармоқларга ўзбошимчалик билан уланган, ноқонуний ёки нотўғри фойдаланиб келаётган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан тузиладиган далолатномаларни келгусида фойдаланиш мақсадида нусха кўчириш орқали сохталаштиргани, далолатномаларни Қўқон шаҳридаги пайнет шохобчаларида нусха олиб ушбу сохта далолатномаларни автомашинада сақлаб келгани, далолатномаларни аниқ қаерда ва қайси пайнетда нусха қилдирганлиги аниқ эслай олмаслигини, ўтказилган тезкор тадбир давомида автомашинадан жами 11 та сохта далолатномалар ашёвий далил тариқасида олингани, ҳозирда у қилган ишига тўлиқ иқрорлигини ва пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини айтиб, қонуний енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Ш.Тошматов судда, айбига иқрор бўлмасдан, ҳақиқатан ҳам "Фарғона сув таъминоти" Қўқон шаҳар бўлимида ҳуқуқшунос экани, 2025 йил 30 май куни назоратчилар Ш.Мирзахмедов ва М.Ахмедовлар билан Қўқон шаҳар, С.Абдулла МФЙ, Бодомзор кўчаси 34-уйда яшовчи М.Хожиматованинг яшаш хонадонига боришгани, уни ёнида турмуш ўртоғи Б.Хожиматовни ҳам сомсахонаси бўлгани, назоратчилар Ш.Мирзахмедов ва М.Ахмедовлар сув ҳисоблагичларини кўриб, ичимлик сувида ноқонуний уланиб олганини, ичимлик суви ҳисоблагич ўрнатмасдан фойдаланиб келаётганини аниқлашгани, шу сабабли назоратчилар Ш.Мирзахмедов ва М.Ахмедовлар янги сув ҳисоблагич олиб келиб беришларини ва жарима қўлламасликларини айтиб, М.Хожиматова ва унинг турмуш ўртоғи Б.Хожиматовлардан 2.750.000 сўмдан жами 5.500.000 сўм пул олишгани, у мазкур жойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 194-сонли қарор бўйича ҳисоб-китоб қилиб бергани, лекин пулларни ушламагани, 2025 йил 03 июнь куни ҳам назоратчилар Ш.Мирзахмедов ва М.Ахмедовлар Қўқон шаҳар С.Абдулла МФЙ, Бодомзор кўчаси 50-уйда яшовчи М.Масалиеванинг яшаш хонадонига келишиб, сув ҳисоблагичларини



кўришиб, ичимлик сувига ноқонуний уланиб олганини, ичимлик сувидан ҳисоблагич ўрнатмасдан фойдаланиб келаётганини аниқлашиб, уни чақириб бергани, пулларини ушламагани, унинг айби ходимларни етарли назорат қилмаган бўлгани, лекин у ҳеч кимни алдамаганини айтиб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ЖКнинг 70,71-моддаларига асосан тугатишни сўради.

Судланувчилар Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Э.Турсуновлар айбларига тўлиқ иқдор бўлиб, судланувчи Ш.Тошматов айбини инкор қилиб кўрсатув берган бўлсалар-да, уларнинг жиноят содир этганликдаги айблари қуйидагилар билан ҳам исботланган, жумладан:

-жабрланувчи А.Набиевнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам ҳозирда “Грасс Текстил” пайпоқ ишлаб чиқариш корхонасида иш бошқарувчи бўлиб ишлаб келиши, корхонада ичимлик суви учун сув ҳисоблагич ўрнатилмагани, 2024 йилнинг август ойида корхонага “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлимида ишловчи Азиз исмли йигит келиб, корхонада ичимлик суви бўйича текширув ўтказилаётганини, ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув ҳисоблагичларни кўришини айтгани, шундан сўнг, Азиз корхонадаги ичимлик суви қувурини кўриб, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланаётганини, жарима тўлашини айтгани, Азиз “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлимида ишловчи бошлиғи Ш.Мирзахмедов билан гаплашишини, Ш.Мирахмедов 7.000.000 сўм миқдорда пул берса, сув ҳисоблагич ўрнатиб беришини, бир ой ичида ичимлик суви ҳужжатларини қилиб беришини айтгани, шунда Ш.Мирахмедовнинг гапига ишониб, 5.000.000 сўм бергани, лекин ҳисоблагич ўрнатиб бермагани, ҳозирда Ш.Мирахмедов томонидан етказилган зарар депозит ҳисоб рақамига тўлангани ҳақидаги;

-жабрланувчи Б.Қурбановнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2025 йил март ойида яшаш хонадонига “Сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлими ходими Э.Турсунов келиб, сув ҳисоблагични кўриб, ушбу сув ҳисоблагич эски экани, ҳисоблагич яроқсиз ҳолатда эканини, 500.000 сўм пул берса, янги сув ҳисоблагич ўрнатиб беришини айтгани, унга сув ҳисоблагич соз ҳолатда эканини, маҳалла бошидаги сув насоси ишламаётганлиги сабабли ичимлик суви келмаётганини, шу сабабдан сув ҳисоблагич ишламаётганлигини айтгани, унга сув ҳисоблагич учун 500.000 сўм пул бермаса, ичимлик сувини узиб кетишини айтгани учун 500.000 сўм пул бергани, лекин сув ҳисоблагич ўрнатиб бермаганини, ҳозирда етказилган барча зарарларни қоплагани ҳақидаги;

-жабрланувчи О.Махсудовнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2025 йилнинг март ойида яшаш хонадонига “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлимида ишловчи М.Ахмедов келиб, хонадонда ичимлик суви бўйича текширув ўтказилаётганини, сув ҳисоблагични яроқлилик муддати ўтганини, янги сув ҳисоблагич ўрнатиши кераклигини, ҳар иккала хонадони учун 500.000 сўмдан 1.000.000 сўм берса бир ҳафта ичида сув ҳисоблагич ўрнатиб, сув ҳисоблагичнинг ҳужжатларини ҳам тайёрлаб беришини айтгани, икки



дона уйга сув ҳисоблагич учун М.Ахмедовга жами 1.000.000 сўм пул бергани, лекин сув ҳисоблагичларни ўрнатиб бермаганини, ҳозирда етказилган барча зарарларни қоплагани, М.Ахмедовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи М.Ўринованинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2025 йилнинг март ойида яшаш хонадонига “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлиманинг ходимлари М.Ахмедов ва Ш.Мирзахмедовлар келиб, яшаш хонадони сув қувурларини кўриб, ичимлик сувига уланишда ноқонуний ҳолатлар борлигини, 3.800.000 сўм жарима пули тўлашини айтгани, уларга 200 АҚШ доллари миқдорида пули борлигини айтиб 200 АҚШ долларини бергани, лекин орадан 3 ой ўтган бўлса-да, М.Ахмедов ва Ш.Мирзахмедовлар сув истеъмоли учун ҳужжатларни тайёрлаб бермагани, сўнг прокуратура органларига ариза билан мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган барча зарарларни қоплагани, М.Ахмедов ва Ш.Мирзахмедовларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-жабрланувчи Э.Ташпулатованинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2025 йилнинг март ойида “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлиманинг ходими Э.Турсунов келиб, хонадондаги сув қувурларини ва сув ҳисоблагични кўришини айтиб, ичимлик сувидан фойдаланиш учун сертификат йўқлигини, шу сабабли 2.120.000 сўм миқдорда жарима тўлашини айтгани, Э.Турсуновга 2.120.000 сўм пули йўқлигини, сувдан ноқонуний фойдаланмаганини айтгани, сўнг Э.Турсунов ёрдам қилишини 1.500.000 сўм беришини айтгани, орадан бир ҳафта ўтганидан сўнг, Э.Турсуновга кўнғироқ қилиб, нафақа пули чиққанлигини айтиб, 700.000 сўм пулларни бериб юборгани, шу билан Э.Турсунов қайтиб келмагани, ҳозирда Э.Турсуновдан 700.000 сўм пулларини қайтариб олгани, унга нисбатан давоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-жабрланувчи Н.Астанақуловнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2025 йил 29 март куни соат 11:00ларда Боғдод туманида жойлашган сартарошхонасига М.Ахмедов ва Ш.Мирзахмедовлар келиб, сувдан ноқонуний фойдаланаётганини айтиб, далолатнома тузишларини ва унга нисбатан 15.000.000 сўм жарима қўлланилишини айтишгани, уларга бу сув “зах” сув экани, ичишга яроқсизлигини айтса ҳам гапига аҳамият бермасдан, далолатнома тузишларини, бу бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини айтишгани, уларга жарима тўлашга имконияти йўқлигини, имконият беришларини, ҳужжатларни тўғрилаб қўйишини айтганида 5.000.000 сўм пул берса, улар жарима қўлламасликларини айтишгани, лекин сув ҳужжатларига алоҳида тўлов қилишини айтишгани, лекин ҳужжат тайёрлаш учун 3.500.000 сўм пул кетишини, сув ҳисоблагичнинг нархи қимматлигини айтишгани, сўнг, уларга жами 3.000.000 сўм олиб чиқиб бергани, ҳозирда етказилган барча зарарларни қоплагани, Ш.Мирзахмедов ва М.Ахмедовларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи С.Хашимованинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2025 йил 29 апрель куни Қўқон шаҳридаги яшаш хонадонига “Фарғона сув таъминоти”



АЖ Қўқон шаҳар бўлимнинг ходими Э.Турсунов келиб, яшаш хонадонидан сув истеъмоли бўйича текширув ўтказишини айтгани, Э.Турсунов янги уйда ичимлик сувига уланишда ва уни истеъмол қилиш ноқонуний ҳолатлар борлигини айтишгани, шунда уларга уй янги қурилганини, уйга сув ҳисоблагич ўрнатилганлигини айтгани, шунда Э.Турсунов буни тушунгиси келмасдан, бинодаги ичимлик суви истеъмоли ноқонуний эканлигини айтиб, сув ҳисоблагични яроқлилик муддати ўтгани, ушбу ҳисоблагич ишламаслигини айтиб, 4.000.000 сўм жарима пули тўлашини, 4.000.000 сўм миқдорда пул берса, сув ҳисоблагични бошқа сув ҳисоблагичга ўзгартириб беришини, пулларни бермаса далолатнома расмийлаштиришини, 17.000.000 сўм миқдорда жарима пули чиқишини айтишгани, шунда миқдорда жарима тўлашдан қўриқиб, Э.Турсуновга пластик карта рақамини бергани, Э.Турсунов пулларни ечиб олгани, лекин шу кунгача пулларни тўлиқ қайтариб бермагани, етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги;

-жабрланувчи М.Умаровнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам “Водий Экспо” МЧЖ ташкил этгани, 2025 йил 29 май куни яшаш хонадонига Ш.Мирзахмедов ва М.Ахмедовлар келиб, ўзларини “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлими ходимлари эканлигини таништириб, яшаш хонадони ва корхонани Қўқон шаҳар ҳудудига ўтганлиги учун сув ҳисоблагич абонент рақамини Қўқон шаҳар сув таъминоти абонент рақамига ўтказишини, сув ҳисоблагични янги сув ҳисоблагичга ўтказиш кераклигини айтишгани, сув ҳисоблагични алмаштириш учун 3.000.000 сўм беришини, агар 3.000.000 сўм пул бермаса, ичимлик сувидан узиб кетишини, 3.000.000 сўм пул берса ўзлари сув ҳисоблагич олиб келиб, ўрнатиб кетишларини айтиб 3.000.000 сўм пул сўрашгани, шунда бу жойга акасини чақириб, сув таъминоти ходимлари билан гаплашини айтгани, акаси улар билан гаплашиб, 3.000.000 сўм беришгани, Ш.Мирзахмедов ва М.Ахмедовлар пулларни олиб, эртаси куни сув ҳисоблагич олиб келиб, корхонасига ўрнатиб кетишларини айтиб кетишгани, шу билан қайтиб келишмагани, лекин ҳозирда етказилган барча зарарларни қоплагани, Ш.Мирзахмедов ва М.Ахмедовларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-жабрланувчи С.Рахимовнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2025 йилнинг май ойида яшаш хонадонига ўзини “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлими ходими деб таништирган Э.Турсунов келиб, сув ҳисоблагичини кўриб 500.000 сўм қарзи борлигини қўшимча тўлов қилса, анча вақт давомида сувга тўлов қилмасдан фойдаланиб келишини айтгани, шунда унга 1.350.000 сўм бергани, Э.Турсунов пулларни олиб, яшаш хонадонидан кетгани, шундан сўнг, 2025 йилнинг июнь ойида уни сувдан яна қарздорлиги борлигини айтишгани, Э.Турсунов пулларни тўламаган бўлгани, ҳозирда судланувчи Э.Турсунов 1.350.000 сўм пулларини қайтаргани, етказилган барча зарарларни қоплагани, Э.Турсуновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-жабрланувчи М.Хожиматовнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам Қўқон шаҳар С.Абдулла МФЙ, Бодомзор 34-уйига ичимлик суви қувурини тортиб, сув



ҳисоблагич ўрнатгани, ичимлик суви учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириб келаётгани, яшаш хонадони олдида турмуш ўртоғи Бахтиёржон ва уни танишлари Бахромжон ва Аюбхонлар билан бирга сомсахона очишгани, сомсахона учун ҳам ичимлик суви қувури яшаш хонадонидаги қувурдан улангани, сомсахона ва яшаш хонадони учун сув битта ҳисоблагичдан тортилгани, сув тўловларини ўз вақтида амалга ошириб келиши, 2025 йил 30 май куни яшаш хонадонига “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлимининг Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар келишиб, яшаш хонадонида ичимлик суви бўйича текширув ўтказишини айтишгани, шунда яшаш хонадони сув қувурларини кўриб, сув ҳисоблагич айланиши секинлашганини айтиб, 18.000.000 сўм жарима тўлашини, йўқса далолатнома расмийлаштиришини айтиб қўритишгани, уларга сув ҳисоблагич соз ҳолатда эканини айтиб, ҳужжатларини кўрсатгани, лекин ушбу ҳужжатларни Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар кўриб барибир 18.000.000 сўм жарима тўлашини айтишгани, шунда сомсахонага янги сув ҳисоблагич ўрнатиши ва далолатнома расмийлаштирамаслиги учун 2.750.000 сўм, уни яшаш хонадонига сув ҳисоблагич ўрнатиши ва далолатнома расмийлаштирамаслиги учун 2.750.000 сўм пул тўлашларини айтиб пулларни Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар олишгани, лекин сув ҳисоблагичларни алмаштириб беришмагани, судланувчилардан томонидан етказилган зарарлар ундириб бериш ҳақидаги;

-жабрланувчи Б.Хожиматовнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам Қўқон шаҳар С.Абдулла МФЙ, Бодомзор 34-уйига ичимлик суви қувурини тортиб, сув ҳисоблагич ўрнатгани, ичимлик суви учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириб келаётгани, яшаш хонадони олдида танишлари Бахромжон ва Аюбхонлар билан бирга сомсахона очишгани, сомсахона учун ҳам ичимлик сувини яшаш хонадонидаги қувурдан тортигани, 2025 йил 30 май куни яшаш хонадонига “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлимининг Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар келишиб, сувдан ноқонуний фойдаланаётганини, ноқонуний фойдаланганлиги учун 18.000.000 сўм жарима тўлашини айтгани, кейин улар сомсахонага янги сув ҳисоблагич ўрнатиши ва далолатнома расмийлаштирамаслиги учун 2.750.000 сўм олишгани, ушбу пулларни Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар олишгани, лекин сув ҳисоблагичларни алмаштириб беришмагани, судланувчилар ўзига етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги;

-жабрланувчи М.Масалиеванинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2020 йилнинг март ойида яшаш хонадонига сув ҳисоблагич ўрнатгани, ичимлик суви учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириб келиши, 2025 йил 03 июнь куни яшаш хонадонига “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлимининг уч нафар ходим келишиб, ўзларини Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар эканлигини айтиб таништиришгани, яшаш хонадонида ичимлик суви бўйича текширув ўтказишини айтишгани, шунда Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар яшаш хонадонини сув қувурларини кўриб чиқишиб, газли сув қуядиган аппарат учун алоҳида сув ҳисоблагич ўрнатишини, ичимлик



сувига ноқонуний уланиб олганини, яшаш уйдаги ичимлик суви қувури узилганини айтиб, буни эвази дастлаб 39.000.000 сўм жарима пули тўлашини, йўқса, сувдан ноқонуний фойдаланганлиги бўйича далолатнома расмийлаштиришларини айтишгани, уларни орасида Ш.Тошматов ўзини “Фарғона сув таъминоти” да юрист эканини айтиб, жарима пулини ҳисоблаб бергани, Ш.Тошматов газли сув чиқариш аппаратида фойдаланганликлари учун 2.220.000 сўм, яшаш хонадонидида ичимлик сувидан фойдаланганлиги учун 3.000.000 сўм, жами 5.220.000 сўм пул тўлашини, ушбу пулларни берса сув ҳисоблагич олиб келиб ўрнатиб беришини, жарима қўлламасликни айтгани, шунда набираси Отабек жами 2.220.000 сўм миқдорда пул олиб келгани, уни ўзидаги нафақа пулларидан 3.000.000 қўшиб, жами 5.220.000 сўм миқдордаги пул маблағларини Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Ш.Тошматовларга бергани, улар пулларни санаб олишгани, сўнг уларни бирон бир далолатнома расмийлаштирмасдан ёки тўлов қилинганлиги бўйича квитанция ёки бошқа ҳужжат беришмагани, Ш.Тошматов эртага ишхонасига боришини, сув ҳисоблагич ўрнатиш учун ходим ва тўлов квитанцияларини беришини айтиб, телефон рақамини бериб кетгани эртаси куни эрталаб “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлимига бориб Ш.Тошматовга учраганида у сув ҳисоблагич ва уни ўрнатиш учун ходим беришини айтганлигини учун келганини айтгани, шунда ушбу бўлим бошлиғи бўлимда Ш.Тошматов ишламаслигини, Мурод ва Шухратларни “Фарғона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар бўлимида ишламаслигини, ишдан чиқиб кетганлигини айтгани, шу сабабли ариза билан мурожаат қилгани, судланувчилар етказилган зарарларни ундириб бериш ҳақидаги;

-жабрланувчи Д.Хурсановнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам яшаш хонадонидида газланган сув тайёрлаб сотишини, 2025 йил 06 июнь куни яшаш хонадонидида бўлган вақтида, Боғдод тумани сув таъминоти корхонасидан М.Ахмедов ва Ш.Мирзахмедовлар келиб, 2021 йилдаги қонун бўйича тадбиркорлик қиладиган бўлса, яшаш хонадонига алоҳида ичимлик суви ҳисоблагич қўйиши кераклигини, бу бўйича далолатнома расмийлаштиришини, 10.000.000 сўмдан 40.000.000 сўмгача жарима пули чиқишини айтиб, қўрқитгани, газланган сув тайёрлаш учун бошқа жойдан олиб келишини тушунтиргани, лекин улар буни тушунишни хоҳламагани, жарима тўлашлари кераклигини айтишгани, шу сабабли ёрдам қилишини айтгани, орадан бир ҳафта ўтганидан сўнг унга Ш.Мирзахмедов телефон қилиб, Ўлат қишлоғида жойлашган фабрика олдига келишини айтгани, шунда у айтган жойига борган вақтида, Ш.Мирзахмедов автомашинадан тушиб, унга ўхшаган тадбиркорга 30.000.000 сўм жарима солганини, сув истеъмолидан узиб қўйганини айтгани, шунда унга сувдан ноқонуний фойдаланмаганини, жарима тўлаш учун моддий аҳволи оғирлигини, ногирон боласи борилигини айтгани, Ш.Мирзахмедов унга жариманинг 18 фоизини тўлашини, ушбу пул 3.200.000 сўм бўлишини айтгани, шунда Ш.Мирзахмедовга 3.200.000 сўм пулларни бергани, Ш.Мирзахмедов пулларни олганидан сўнг, тўлов квитанция ва чек қоғозларини олиб келиб



беришини, жаримани тўланганлигини айтиб кетгани, шу билан Ш.Мирзахмедовни кўрмагани, етказилган барча зарарларни қоплагани, Ш.Мирзахмедовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-жабрланувчи А.Юсуповнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2025 йил 06 июнь куни соат 19:00ларда яшаш хонадонига бўлган вақтида, Бодод тумани сув таъминоти корхонасидан М.Ахмедов ва Ш.Мирзахмедовлар келиб, сув истеъмолини текшириш учун келганликларини айтишгани, шунда М.Ахмедов унга яшаш хонадонига келиб, яшаш хонадонига сув ҳисоблагични кўриб, унга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганини, 2021 йилдаги қонун бўйича тадбиркорлик қиладиган бўлса, яшаш хонадонига алоҳида ичимлик суви ҳисоблагич кўйиши кераклигини, бу бўйича далолатнома расмийлаштиришини, 10.000.000дан 40.000.000 сўмгача жарима пули чиқишини айтиб кўрқитгани, шунда М.Ахмедов унга ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирамаслигини, 3.200.000 сўм жарима тўлашларини айтгани, уни гапларига ишониб, 1.200.000 сўм пулларни Ш.Мирзахмедовга бергани, қолган 2.000.000 сўмини дадаси пластик картасидан ечиб олишганини, тўлов квитанция ва чек қоғозларини бериб кетишини айтишгани, шу билан уларни қайтиб кўрмагани, етказилган барча зарарларни қоплагани, Ш.Мирзахмедов ва М.Ахмедовларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-жабрланувчи Р.Вахобовнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам умумий овқатланиш учун “Шодёна Бағдод” МЧЖ ташкил этгани, 2025 йил 09 июнь куни соат 10:00ларда ошхонада бўлган вақтида, ўзини Боғдод тумани сув таъминоти корхонаси ходимлари деб таништирган Ш.Мирзахмедов ва Э.Турсуновлар келиб сув истеъмолини текширишгани, улар ошхонадаги сув ҳисоблагични кўришиб, ушбу сув ҳисоблагич эски эканини, янги электрон сув ҳисоблагич ўрнатиш кераклигини, агар янги сув ҳисоблагич ўрнатмаса, далолатнома расмийлаштиришларини, кейин 10.000.000 сўм жарима тўлашини айтиб кўрқитишгани, уларга сув ҳисоблагичи соз ҳолатда эканини, тўловларни ўз вақтида амалга ошираётганини, янги сув ҳисоблагич ўрнатиш учун уни бирон бир “Сув таъминоти” ходимлари огоҳлантирилмаганлигини айтгани, шунда улар электрон сув ҳисоблагич ўрнатиш мажбурий эканини, уларга 6.400.000 сўм пул берса, бир ҳафта ичида сув ҳисоблагич ўрнатиб беришларини, 2.400.000 сўмга сув ҳисоблагич олишини, қолган 4.000.000 сўмни абонент рақамига кирим қилиб кўйишларни айтиб, пулларни олиб кетишгани, лекин орадан бир ҳафта ўтганидан сўнг, улардан хабар бўлмагани, шу сабабли ариза билан мурожаат қилгани, ҳозирда зарарлари тўлиқ қоплангани, Ш.Мирзахмедов ва Э.Турсуновларга нисбатан давоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-жабрланувчи Б.Мамазиятовнинг “Ширинсув Обод” оилавий корхонасини ташкил қилгани, ошхонага ичимлик суви тармоғини тортиб, сув ҳисоблагич ўрнатгани, ичимлик суви учун тўловларни ўз вақтида тўлаб келишини, 2025 йил июнь ойида ошхонада бўлган вақтида ўзини Фарғона сув таъминоти” АЖ Боғдод тумани бўлими ходими деб таништирган



Ш.Мирзахмедов ва Э.Турсуновлар келиб қарздорлик бўйича сув қувурларини текшириб юрганини айтишгани, уларга ошхонадаги сув ҳисоблагични кўриб, ушбу сув ҳисоблагичдан фойдаланиш мумкин эмаслигини, электрон сув ҳисоблагич ўрнатиши лозимлигини айтишгани, унга электрон сув ҳисоблагич ўрнатишини, уларга тушим кераклигини 5.000.000 сўм пул берса, уни шахсий ҳисоб рақамига пул ўтказишларини айтганида рози бўлиб уларга 5.000.000 сўм миқдорда пулларни бергани, ундан пулларни Ш.Мирзахмедов олиб, тўлов амалга оширганлиги бўйича квитанция беришини айтиб кетгани, лекин пулларни ҳисоб рақамига ҳам электрон ҳисоблагичга ҳам тўламагани, шу сабабли ариза билан мурожаат қилгани, судланувчилардан зарарларни ундириб беришни сўраши ҳақидаги,

-жабрланувчи Т.Юнусовнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам Боғдод тумани маркази ҳудудида фаолият юритувчи “Асл Неъмат Барака” ОК раҳбари сифатида ишлаб умумий овқатланиш ошхонасини юритиб келиши, 2025 йил 19 июнь куни соат 19:30ларда ошхонасида бўлган вақтида, ўзларини Фарғона вилояти сув таъминоти ходими деб таништирган Ш.Мирзахмедов ва Э.Турсуновлар келишиб ошхонада сувдан фойдаланишини ўрганишини айтишгани, ошхонасида текширув ўтказиб, сув ҳисоблагични кўриб, ҳисоблагичда бир дона пломба борлигини, иккинчи пломба йўқлигини, уни фаолиятида ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш борлигини айтиб, 90.000.000 сўм жарима тўлаши кераклигини айтишгани, кейин улар ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштиришни бошлагани, сўнг, кейин ҳолатни кўриб вазият ёмонлигини, жарима катталигини айтиб кўрқита бошлашгани, бундай жаримани эшитиб кўрқиб кетгани, шунда Ш.Мирзахмедов ва Э.Турсунов ҳаммаси яхши бўлишини, ёрдам қилишларини, далолатномадаги жаримани камайтириб беришини айтишгани, улардан буни иложи борми деб сўраганида улар ҳисоблагич кўйиб беришини, техник шартнома ва паспорт ҳужжатларини ўзлари тўғрилаб беришини, шундан сўнг уни ҳеч ким безовта қилмаслигини айтишгани, уларни бу гапига ишониб рози бўлгани, улар буни эвазига ундан 60.000.000 сўм беришини сўрагани, у бунча пули йўқлигини айтиб, озроқ камайтириши сўрагани, кейин Ш.Мирзахмедов 10.000.000 сўм топиб келишини, шуни кассага топшириб юбориб, қолганини эртага берганида далолатномани ўзи ҳал қилишини айтгани, сўнг 10.000.000 сўм пулларни Ш.Мирзахмедовга бергани, кейин улар қолган пулни берса ёпиб беришини айтиб ошхонасидан чиқиб кетишгани, ошхонасида текширув ўтказганлиги, камчилик аниқланганлиги бўйича бирон бир ҳужжат расмийлаштирмагани, бирон бир ҳужжатни таништириб имзо қўйдирмагани, 2025 йил 20 июнь куни соат 18:20да унга Э.Турсунов телефон қилиб, Боғдод туман марказида эканини, қолган пулларни беришини талаб қилгани, шунда Элдор ва Шухратларни ноқонуний ҳаракатларига чек қўйиш учун туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилгани, аризасини текшириш мақсадида тезкор тадбир белгилангани, унга тадбирда фойдаланиш учун ўзида бўлган 2.500.000 сўм пуллар ва қора рангли номсиз овоз ёзиш мосламаси баённома асосида беришгани, тезкор тадбир учун ажратилган



пулларни чўнтагига солиб, Э.Турсуновга кўнғироқ қилиб, қаерда эканлигини сўраганида, у Боғдод туман сув таъминоти биноси олдида эканини айтгани, сўнг, тезкор гуруҳ холислар иштирокида, ўзининг автомашинасида, Боғдод тумани сувтаъминоти корхонасининг биноси томонга ҳаракатланиб, Э.Турсуновга кўнғироқ қилиб келганлигини айтгани, Э.Турсунов олдида келиб, пулларни олиб, чўнтагига солгани, шундан сўнг тезкор тадбир иштирокчилари унга ўзларини таништириб, тезкор тадбир ўтказилганлигини айтишиб ушлашгани, етказилган барча зарарларни қоплагани, Ш.Мирзахмедов ва Э.Турсуновларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

шунингдек, Т.Юсуповнинг аризаси, тезкор эксперимент тезкор тадбири учун пулларни рўйхатдан ўтказиш, ишлов бериш ва махсус харидорга бериш ҳақидаги баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, ашёвий далилни олиш баённомаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Гарчанд, суд мажлисида судланувчи Ш.Тошматов айбига иқроп эмаслигини билдириб, судланувчи Ш.Мирзахмедов ва бошқалар билан жиноий тил бириктирмагани, жабрланувчилардан пул олмагани, Ш.Мирзахмедов ва Э.Турсуновлар томонидан жабрланувчи деб топилган шахслардан пул олганидан хабари бўлмагани ҳақида важ келтирса-да, унинг бу важлари судланувчи Ш.Мирзахмедов, Э.Тошматов ва жабрланувчи Б.Хожиматов, М.Хожиматова, М.Масалиеваларнинг дастлабки тергов ва суд мажлисида берган кўрсатувлари, юзлаштириш баённомаси ва ишдаги бошқа объектив далиллар билан тўлиқ рад этилади.

Суд, судланувчи Ш.Мирзахмедов, Э.Тошматов ва жабрланувчи Б.Хожиматов, М.Хожиматова, М.Масалиеваларнинг кўрсатувларини ишнинг ҳақиқий ҳолатига мос келувчи ишончга сазовор кўрсатувлар деб, судланувчи Ш.Тошматовнинг важларини жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирган важлари деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов ва Ш.Тошматовларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлар билан, судланувчи Э.Турсуновнинг ҳаракати 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари ва 228-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи Ш.Мирзахмедов “Фарғона сув таъминоти” АЖ Боғдод туман филиалида инспектор вазифасида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, 2024 йил август ойи бошларида А.Набиевнинг курилиши тамомланмаган корхонасига келиб, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиб келаётганлигини важ қилиб, сув ҳисоблагич ўрнатиб беришини ва жарима қўлламаслигини айтиб, уни ишончига кириб, жами 5.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиб;



- такроран М.Ахмедов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда М.Ўриновани 2.580.666 сўм, Н.Астанакуловни 3.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб;
- такроран Э.Турсунов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда С.Хашимовани 3.950.000 сўм;
- такроран М.Ахмедов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда М.Умаровани 3.950.000 сўм;
- такроран М.Ахмедов ва Ш.Тошматовлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлган ҳолда Б.Хожиматов ва М.Хожиматоваларни 5.500.000 сўм, М.Масалиевани 5.220.000 сўм;
- такроран М.Ахмедов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, Д.Хурсановнинг 3.000.000 сўм, А.Юсуповнинг 3.200.000 сўм;
- такроран Э.Турсунов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, А.Юсуповнинг 6.400.000 сўм, Б.Мамазиятовни 5.000.000 сўм, Т.Юнусовни 8.000.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб жиноят содир этишган.

судланувчи Э.Турсунов "Фарғона сув таъминоти" АЖга тегишли бўлган махсус рақамланган ичимлик суви ва оқава тармоқларга ўзбошимчалик билан уланган, ноқонуний ёки нотўғри фойдаланиб келаётган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан тузиладиган жами 11 та далолатномаларни сохталаштириб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 20-моддасида “шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги белгиланган.

Суд, судланувчи Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов, Ш.Тошматов ва Э.Турсуновларга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Ш.Мирзахмедовнинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини, муқаддам судламаганлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини инobatга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

судланувчи М.Ахмедовни айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини, муқаддам судламаганлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини инobatга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

судланувчи Ш.Тошматовни қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини, муқаддам судламаганлигини, жабрланувчиларга етказилган



моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

судланувчи Э.Турсуновни айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Бундан ташқари, суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 45-бандида “Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт. Бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши керак”лиги ҳамда ушбу Қарорнинг 48-банди иккинчи хатбошисида, “Судларга муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарикасидаги қўшимча жазони, тегишли асослар мавжуд бўлган ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу фаолият касб ёки тирикчилик манбаи бўлган шахсларга нисбатан (масалан, тадбиркорлик фаолияти, транспорт воситаларини бошқариш ва ҳ.к.) қўллашнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги масаласини муҳокама қилиш тавсия этилсин, шуни назарда тутиш лозим-ки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланишига йўл қўйилмайди, одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно (Жиноят кодексининг 45-моддаси бешинчи қисми)” деб кўрсатилган тушунтиришларидан келиб чиқиб, Ш.Мирзахмедов, М.Ахмедов, Э.Турсунов ва Ш.Тошматовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш мақсадида Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 16.720.000 сўм пул маблағларидан 5.220.000 сўмни жабрланувчи М.Масалиевага, 2.575.000 сўмни М.Хожиматовага, 2.575.000 сўмни Б.Хожиматовга, 5.000.000 сўмни



А.Набиевга олиб беришни ҳамда ортиқча тўланган 1.350.000 сўми судланувчи Ш.Мирзаахмедовга қайтаришни;

шунингдек, суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов жараёнида ашёвий далил деб эътироф этилган 11 дона далолатномаларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашликни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Мирзахмедов Шухратжон Хамидуллаевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Мирзахмедов Шухратжон Хамидуллаевичга:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил муддатга давлат органлари ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан, Ш.Мирзахмедовни 2025 йилнинг 21 июнь кунидан 25 июнь кунига қадар қамоқда сақланган 4 кунни, ҳар бир кунини уч кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) 5 (беш) ой 18 (ўн саккиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ органлари томонидан белгилаб берилган жойларда ўтаттирилиб, жазони ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотларда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Қўқон шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ш.Мирзахмедовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин. Гаров тариқасида олиниб, “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиали ҳисоб рақамида сақланаётган 9.804.000 сўм пуллардан 5.000.000 сўми жабрланувчи Б.Мамазиятовга олиб берилсин ва қолган 4.804.000 сўм қисми судланувчи Ш.Мирзахмедовга қайтарилсин.



Ахмедов Муроджон Ахмаджон ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ахмедов Муроджон Ахмаджон ўғлига:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил муддатга давлат органлари ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ органлари томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатирилиб, жазони ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотларда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Қўқон шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

М.Ахмедовга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Турсунов Элдоржон Сайфудинхўжаевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари ва 228-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Турсунов Элдоржон Сайфудинхўжаевичга:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил муддатга давлат органлари ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 228-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 59-моддасининг 3-қисми тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун ўзил-кесил 2 (икки) йил муддатга давлат органлари ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-модасига асосан, Э.Турсуновни 2025 йил 21 июнь кунидан 25 июнь кунига қадар қамоқда сақланган 4 кунни, ҳар бир кунини уч кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) 11 (ўн бир) ой 18 (ўн саккиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ органлари томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатирилиб, жазони ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотларда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Риштон тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Э.Турсуновга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Гаров тариқасида олиниб, ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиали ҳисоб рақамида сақланаётган 10.000.000 сўм пуллардан 2.000.000 сўми жабрланувчи С.Хошимовага олиб берилсин ва қолган 8.000.000 сўми судланувчи Э.Турсуновга қайтарилсин.

Тошматов Шохрух Анваржон ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Тошматов Шохрух Анваржон ўғлига:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил муддатга давлат органлари ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ органлари томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатирилиб, жазони ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотларда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Қўқон шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ш.Тошматовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин. Гаров тариқасида олиниб, “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиали ҳисоб рақамида сақланаётган 10.000.000 сўм пуллар судланувчи Ш.Тошматовга қайтарилсин.

Зарарни қоплаш мақсадида Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 16.720.000 сўм пуллардан 5.220.000 сўми жабрланувчи М.Масалиевага, 2.575.000 сўми



М.Хожиматовага, 2.575.000 сўм Б.Хожиматовга, 5.000.000 сўми А.Набиевга олиб берилсин ҳамда ортиқча тўланган 1.350.000 сўми судланувчи Ш.Мирзаахмедовга қайтарилсин.

Жабрланувчиларга жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кунидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

О.Сиддиқов

“Аслига тўғри”

Туман судининг раиси

О.Сиддиқов

